
Юксак эътироф муборак!

24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармон](#)га имзо чекди.

Мазкур фармонга кўра, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Муҳаммадали Абдуқундузов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Муҳаммадали Абдуқундузов 1952 йилда Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳрида таваллуд топган. Актёрлик касбига ҳавас уни Тошкент Давлат санъат институтига етаклади. Институтни муваффақиятли тугатган ижодкор дастлабки фаолиятини Сурхондарёда, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида бошлаган.

1986 йилдан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида ижодий фаолиятини давом эттириб келаётган актёр яратган кўплаб образлари уни ҳар бир ўзбек хонадонининг азиз санъаткорига айлантирди.

Айниқса, серқирра ижодкорнинг «Бобур» видеофильмида яратган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси кўплаб ватандошларимиз, ҳаттоки чет эллик томошабинларнинг ҳам қалбидан чуқур ўрин олган.

Ижодкор 1983 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1997 йилда «Ўзбекистон халқ артисти», 1999 йилда «Қорақалпоғистон халқ артисти» фахрий унвонларига, 1997 йилда эса Халқаро Бобур мукофотиغا сазовор бўлган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ана шундай юксак эътироф билан Муҳаммадали Абдуқундузовни самимий қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, ижод ва жамоат ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-25 17:44:16